

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҮМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 3 (65879)  
1996 йил, 17 январь, чоршанба

Сотувда эркин нархда

## ХАВОШИРИМ БЕКҚОР ЭКАН

— Синглим Муниса, мен яқинда ҳарбийга кетаман, Сардор иккаланг аямнинг айтганларига кириб, хафа қилмай, утиринглар-а?

— Мен албатта чегарада хизмат қилман, у ерга менга ухшаш бақувват аскарлар керак бўлади-да, Муниса!

— Буйларингдан ургулай, менинг болам ҳам армия ёшига етиб қолди-я!

Акам билан аямдан юқоридаги сингари гапларни бундан икки йил аввалоқ, яъни Элдор акам ун олти ёшга тулганларидан бошлаб эшитар эдим. Ушанда акам менга гапираётганларида худди катта кишилардек салмоқ билан насиҳат оҳангида гапирар эдиларки, укам иккаламиз беихтиёр «Хуп акажон, албатта айтганларингизни бажарамиз» деб юбордик. Кейин: «Ҳали ҳарбийга боришларига икки йил бору, халитдан» дердик бир-биримизга шивирлаб.

Мана, хаш-паш дегунча акам айтган вақтлар ҳам келди. Ҳозир улар Сурхондарёда хизмат қиляптилар. Тез-тез хат ёзиб турибдилар. Хизматлари аъло даражада утмоқда. «Тугри, аввалига бу ердаги тартиб-қоидага, темир интизомга, кункиш, уйдан узоқдаги соғинчга урганиш зарур бўлди. Ҳозир анча урганиб қолдим» деб ёзибдилар бир хатларида.

Кунлар ана шундай утмоқда эди. Лекин яқинда аямлар «Труд» газетасида бир саҳифа қилиб босилган мақола ва ундаги аскар оналарнинг мактубини ўқиб қолдилару, тинчлари бузилди. Сабаби, унда Россиядаги ҳарбий хизматда юрганларнинг азоблари ёзилган эди.

— Мен Сурхондарёга кетдим. Элдорни ўз кузим билан куриб келмасам, уйқум келмайди — дея йул ҳозирлигини кура бошладилар. Патир ёпдилар, атайлаб кув тортиб, қулбола сарёғ тайёрладилар. Хуллас, бир дунё сгулик тупладилар.

— Онаси, яхшиям углинг уз юртимизда хизмат қиляпти, узоқда булганда нима қилардинг, бунинг устига шунча нарса? — дея кулдилар дадам.


Айтгандай уларни безовта қилган мақолани мен ҳам ўқидим. Унда Тожикистондан Россияга қочиб кучиб борган, Пугруҳ ногирони, қишлоқ ўқитувчиси булган, икки ўғилни ёлғиз узи тарбия-

лаётган бир онанинг хати босилган эди. Унинг угли 1994 йилнинг 28 ноябрида ҳарбийга чақирилиб, қурилиш қисмида хизмат қила бошлаган. Аввалига тинч утаётгандай булган. Кейинчалик аскарни уриб-сўкиб пул талаб қилишган, угирлик қилишга мажбур этишган.

Менга қаттиқ таъсир этган нарса шу бўлдики, уша онанинг фарзанди совхоз

дим. Хаёлга ботиб турганимда акамдан навбатдаги мактуб келиб қолди. Унда акам командирларидан раҳматнома олганлари, уртоқлари билан бир оила фарзандларидек аҳил, иноқ яшаётганлари ҳақида ёзгандилар.

Яқинда мамлакатимизнинг барча аҳолиси 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини байрам қилишди. Мен ҳам уз



Ватан ҳимоячилари шундай шаклландилар.

техникумида ўқишини давом эттириши мумкин булган ҳолда кўнгили булиб ҳарбий хизматга отланган экан. Лекин уни тинч қуймабдилар. «Менинг болам уз элига хизмат қилишни жуда истайди. Ишонаманки, бунга шароит ва имконият булса, бурчини виждонан ва ҳалол адо этарди! Лекин мен унинг у ерда турт мучаси соғ ва тирик қайтишини истайман!» куонади она.

Мен ҳам уша хатдан жуда таъсирлан-

йигитлик бурчини аъло даражада утаётган акажоним ва унинг сафдошларини қутлуг байрамлари билан табриклаб, телеграмма юбордим. «Сиз билан фахрланаман» дедим уларга.

Аям булса жунаб кетишга шай булиб, дарвозадан чикдилар.

**Муниса ХАКИМОВА,**  
**Фаргона вилояти, Охунбобоев тумани.**



### БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Қозоғистон Республикасининг Кукчатов вилоятида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ҳамда Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев учрашуви бўлиб ўтди.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарори чиқди.

\*\*\*

Мамлакатимизда «Ватан ҳимоячилари кунини» кенг нишонланди.

\*\*\*

Бухородаги Хишоён қишлоғида янги мактаб фойдаланишга топширилди.

\*\*\*

«Соғлом авлод учун» жамғармаси Хоразм вилоят булимига Хитой Халқ Республикасидан турли дори-дармонлар келди.

\*\*\*

Андижоннинг Ойим қишлоғида Санобар ая Йулдошева Жалолқудук туманида куп болали оналар клубига раҳбарлик қила бошлади.

\*\*\*

Фарғонада болалар ва усмирлар стоматологик поликлиникаси ишга тушди.



Туни билан майдалаб, тинмай ёққан қор борлиқни қошлади. Ҳаво ҳам унчалик совуқ эмас. Кенг яланглиқда болалар завқ билан қорбурон уйнашяпти. Кимдир сирпанчиқ учяпти, икки қизалоқ қордан одамча ясашяпти. Ана, бир болакай йиқилиб тушди. Йиғлашни хаёлига ҳам келтирмай, қиқирлаб кула-кула ўрнадан турдида, яна узини қорга отди.

Жондар ака болаларни узоқ қузатди. Опшоқ қорда жилва-

ланаётган қуёшнинг кучсиз тафтидан қузларини бироз қисган куйи уларга завқ билан термулди. Ким билсин, шу тобда узининг суронли уруш йилларига тўғри келган болалик онларини хотирлаётгандир...

Жондар ака болалигини яхши эслайди. Уруш бошланганда Жанубий Қозогистон вилояти, Сайрам туманига қарашли Қорамурт қишлоғининг тупроқли кучаларини чангитиб юрган бир болакай эди. Ҳамқишлоқ дўстлари билан ўқиш учун анча олисга, руслар қишлоқчаси Гиоргиевкага қатнар эди. Улар ўқийдиган мактаб ўқувчилари колхоз фермасини оталиққа олишганди. Дардан бушашдими, бузоқлари ёнига ошиқшарди. Яхши ишлагани учун Жондар акага 1940 йилда Бутуниттйфоқ қишлоқ хужалиги кургазмасига қатнашиш учун йуланма ҳам беришди. Уруш сабаб, Москвага бориш унга насиб қилмади. Халқ бошига қора кунлар соя ташлади. Қишлоқ эркаларининг барчаси кўп қатори Ватан

химоясига отландилар. Шу боис қишлоқ хужалиги юмушлари аёллар ва болалар зиммасида қолиб кетди. Бир ёқда оғир меҳнат, бир ёқда қаҳатчилик.

— Бизга қанчалик қийин булмасин, ҳеч биримиз нолимасдик, — дея хотирлайди Жондар ака Туле-

да хизмат курсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика олийгоҳи фалсафа кафедраси мудирини. Қисқаси, ҳам қозоқ, ҳам ўзбек халқининг эрка фарзанди. Уларнинг оиласини «зиёлилар оиласи» деб

ҳам аташади.

Турмуш уртоғи Насира опа Туленова ҳам, қизлари — Зуҳра, Карима, Замира ва

Гулмиралар ҳам ўқимишли, зиёли. Бирлари фалсафа, бирлари тиббиёт, яна бирлари педагогика фанлари номзодлари.

Туғилиб ўсган жойи Қозогистонни ҳам, шон-шухрат топиб, камолатга эришган Ўзбекистонни ҳам уз Ватани деб билган Жондар ака Ўзбекистоннинг илмга чанқоқ, зукко фарзандларини уз фарзандларим деб билади. Уларнинг ютуқ ва омадларидан худди узиникидек шодланади.

Биз нега Жондар акани сизга таништирдик? Сабаби, оддий: қалбида илмга муҳаббати бор одамлар камолга етишган чоғида ҳаманинги ҳавасини келтиради. Инсоний хислати билан атрофидагиларни зийнатлайди. Ватан ҳиссини, тупроқ исини теранроқ тушунади. Демак, илмга интилмоқ, илмли булмоққа чоғланмоқ даркор.

Умида ҚАЮМОВА.

## ИККИ ХАЛҚНИНГ ЭРКА ФАРЗАНДИ

нов. — Галабага булган комил ишонч бизга куч-қудрат бахш этгандек, бажараётган ҳар бир юмушимиз унга улуш бўлиб қушиладигандек бўлиб туюларди. Кун буйи ишлаб, кечалари ўқирдик. 1944 йилда урта мактабни қизил гувоҳнома билан тамомладим. Олий билимгоҳга кириб ўқиш учун шароитим етарли эмасди. Чунки катта оилани боқиш менинги зиммамда қолганди. Уша йили ишга кирдим, ўқишни эса кейинчалик давом эттирганман...

Мактаб остонасига қадам қўётган, партасида утириб сабоқ олаётган ҳар бир ўғил-қизнинг орзумидлари булганидек, Жондар аканинги ҳам болалик орзулари бисёр эди. У олим бўлишни ният қиларди. Тинимсиз, ҳалол меҳнатлари, ўқиб-урганишлари уз самарасини берди. Ҳозирги кунда Жондар ака Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси муҳбири аъзоси, Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати, республика-



Фазилатхон бобосининг бир гапини доимо ёдида сақлайди: «Кимда-ким барвақт уйгонса, ризқу насибаси бутун, иши унумли булади». Жуда ёшлик чоғлариданоқ бобосининг ана шу сўзларига амал қилишни одат билган Фазилат ҳар тонг жуда барвақт уйғонади. Ҳовлиларни супуриб-сидиради, сигир-бузоқларига қарайди, нонушта тайёрлаб укасини уйғотади. Кейин эса мактаб вақти булгунча утилган дарсларни яна бир бор такрорлаб олади. Мактабга ҳам барвақтроқ боришни одат қилган. Утилган дарсни тушунолмай қолиб, уй вазифасини тайёрлаб келмайдиган синфдошлари ҳам унинг бу одатини яхши билишади. Барвақт келиб биргалиқда дарс тайёрлашади. Нафақат синфда, балки мактабда ҳам утказиладиган барча тадбирларга бош-қош. Бир тарафда ўқишлари, уй юмушлари, буларнинг баридан фурсат орттириб, туман марказидаги болалар кутубхонасига ҳам аъзо булган.

— Фазилат, буларнинг барига қандай улгурасан? — сўрашади дугоналари ҳавас билан.

— Уй юмушларимизни опам Паризод ва укам Маҳмудлар билан бўлишиб олганмиз. Бичиш-тикиш, телевизор томоша қилиш, турли хил уйинлар уйнашга ҳам фурсат топамиз. Муҳими, иштиёқ булса бас. Ана шунда меҳнатнинг унуми ҳам булади, роҳати ҳам лаззатлироқ буларкан.

Хуллас, Фазилатхон ана шундай фазилатли қиз. Шундан булса керак уни ҳамма яхши кўради, сингилчалари унга ухшашга ҳаракат қилишади. Тенгдош қизлар эса у билан дугона бўлишни орзулашади.

Бегмат БОБОРАХМАТОВ,  
Қашқадарё вилояти,  
Чироқчи тумани.



Кўғирчоқ сенга ярашмай қолибдими қизалоқ? Уйчан тортиб қолибди-ку, кўзларинг чақноқ...

### • Уқиб хулоса чиқаринг

#### КИМГА ФойДА-Ю, КИМГА ЗАРАР?

Дарс тайёрлашга буйни ёр бермайдиган, дангаса ёки уйинқароқ ўқувчилар мактабда нималарни уйлаб топмайди дейсиз. Волжск шаҳридаги урта мактаб ўқувчиларидан бири дарсни бузиш мақсадида мактабга хушдан кетказувчи газ балончасини олиб келади. Натижада шумтаканинги синфдошларидан беш киши касалхонага ётқизилди. Қани айтинг-чи, бундан кимга фойда-ю кимга зарар?

#### ОШИҚОЗОНДАГИ КОҒИЛЛОҚ

Уфадаги туман ветеринария станциясига жуда чиройли немис овчаркасини олиб келишди. У деярли нафас олмасди. Ҳайвонларни даволовчи шифокор тезлик билан операцияни бошлади. Маълум бўлишича, жонивор болалар билан сайрга чиққанда тасодифан коптокни ютиб юборган экан. Шунга айтишар экан-да, уга эҳтиёткорлик ҳам зарар қилмайди деб.

#### БОҒЧАДАГИ СЕВИҶИЛАР

Долматово шаҳар боғчаларининг бирида тарбияланувчилар Максим билан Коля тез-тез муштлашиб туришарди. Шундай

кунларнинг бирида боғча опалар уларнинг жанжаллари сабабини аниқлашга қаттиқ киришишди. Маълум бўлишича, 5 ёшли йигитчалар гуруҳдошлари Настяни «севиб» қолишган экан. Шу сабабдан Настя бошқа гуруҳга утказилди. Жанжаллар ҳам уз-узидан барҳам топди. Севиғи еш танламайди, деб шунга айтишар экан-да.

#### БУЗОҚНИНГ ЮЗУРГАНИ СОМОНХОНАЛАЧА

Белоруссиянинг Минск шаҳридаги Сороса фонди бўлимларининг бирида угирлик содир этилгани ҳақида хабар тарқалди. Йўқолган буюмлар ҳаммаси бўлиб 100 миллион сумликдан ошар, улар орасида шахсий компьютер, радиотелефон ва бошқа ишхона анжомлари бор эди.

Изқуварлар шундай хулосага келишдики, угирликни ниҳоятда устаси фаранглар содир этган бўлиши керак, чунки эшик ясама калит билан очилиб, деярли из қолдирилмаганди.

Тезкор чора-тадбирлар натижаси шуни курсатдики, «устаси фаранг» шаҳардаги мактаблардан бирининг ўқувчиси ва шу фондинги фарроши бўлиб ишлайдиган аёлнинг набираси Дениска бўлиб чиқди.

Дениска бувисидан ишонганинги калитини угирлаб олиб, нусха кучириб олган ва икки «дусти» билан «ишга» киришган экан. Уғирланган буюмлар эгаларига қайтарилди.

Ана шунақа. Қингир ишнинг ошкор бўлиши жуда осон.

Наманган вилояти, Чуст туманидан  
тенгдошингиз Г. ОРИПОВА тайёрлаб  
юборди.



### • Жаҳон таниган юлдузлар ҳақида ҳикоялар

Одатда барча даврнинг ўз машҳур кишилари бўлади. Бугунги кунда кино ва спорт оламининг донгдор кишилари Жан Клод Ван Дамм билан Арнольд Шварцнеггер бўлса, саксонинчи йилларнинг охирида дунё кўшиқчилигида Майкл Жексон «юлдуз» бўлган. Баъзиларингиз эшитган ва баъзиларингиз умуман танимайдиган Муҳаммад Али исмли боксчи эса бир вақтлар, аниқроғи, олтмишинчи-етмишинчи йилларда жаҳоннинг энг машҳур кишиларидан ҳисобланган. Рингдаги эпчил ҳаракати ҳамда муштининг кучли зарбаси билан Муҳаммад Али профессионал боксда сунмас юлдуз бўлиб қолди. Бироқ бокс оламида машҳур бўлишига қадар у бадавлат одам ҳам, Муҳаммад Али ҳам эмас, балки оддий Кассиус Клей эди.

Кассиус Марцеллиус Клей 1942 йилнинг 17 январидида Американинг Кентукки штатига қарашли Луисвил шаҳрида ўзига тўқ оилада дунёга келади. Унинг аждодлари президент Авраам Линкольннинг Россиядаги элчисининг кули бўлишган. Оилада сақланиб қолган аънаанага кўра бош фарзанд бўлгани учун унга ҳам Кассиус Клей деб исм қўядилар.

Онаси Одаттанинг эслашига қараганда, Кассиус ёшлигидан мўмин-қобил ва зеҳнли бола эди. Фақат овози ниҳоятда жарангдор бўлган.

— Ўғлимни тугруқхонада адаштириб қўйишларига оз қолганди, — деб ҳикоя қилади онаси, — ҳамшира кўлига тутқазган чақалоқнинг боғичидаги фамилияга кўзим тушди-ю, бу менинг болам эмаслигини дарҳол айтдим. Сўнгра менга Кассиусни олиб келишди.

Кассиус Клейнинг бокс оламига кириб келишига эса велосипедининг ўғирланиши сабаб бўлди. Гап шундаки, 12 ёшли Кассиусга тугилган кунда велосипед совға қилишади. Шу кундан бошлаб у кечаю кундуз «тойчоғи»дан тушмай кўяди. Кунларнинг бирида онаси дўкондан алланима олиб келишини сўраганида ҳам, табиийки, у велосипедда йўлга отланади. Бир зумгина дўконга кириб чиққач эса эшикка тираб кетган велосипедининг ўғирланганини билади. Болакай аввалига яхшилаб йиғлаб олади. Кейин юз берган «фалокат»ни маълум қилиш учун миршабхонага югуради. Унинг дардларини тинглаган миршаб тасодифан «Колумбия Жим» бокс клубининг мураббийси бўлиб чиқади. У ўғрини таниб бўлмас даражада дўппосламоқчи бўлиб турган балакайга бокс клубига келишни таклиф этади. Бахтли тақдир 12 ёшли Кассиусни шундай қилиб спорт оламига олиб киради.

Қизиги шундаки, клубда тенгдошлари уни унчалик рўйхушлик билан қарши олишмади. Чунки, ўзига яраша дуркун, чайир ва кўркама бўлишига қарамай вазни енгил бўлгани туфайли ундан жаҳон чемпиони чиқишига ҳеч ким ишонмасди. Ўртоқларининг масхаралашини ортгани сайин Кассиуснинг боксга бўлган иштиёқи қатъийлаша бошлади. Рингдаги ҳар бир ғалаба унинг

кучига-куч, журъатига-журъат қўшарди.

Ёши 18 га тўлганида, яъни 1960 йилга келиб Кассиус ҳаваскорлар боксда жами 108 та

зарбаси билан ажралиб турарди. Аксарият жанглардаги голибликни нокаут билан қўлга киритган.

1964 йилнинг 25 февралда қоплонникидек тез ва забардаст муштар уни дунёга танитди. Америка боксда янги тарих бошланди! Кассиус Клейнинг профессионал боксдаги янги даври кириб келди.

Демак, 1964 йил, 25 февраль Майами-Бич. Бутун дунёнинг кўзи бокс бўйича жаҳон чемпиони Сонни Листон ва унчалик донги кетмаган қора танли Клейда. Албатта, кўпчилик, айтиш мумкинки, бокснинг ашаддий ишқибозлари бу учрашувда шубҳасиз машҳур Листон голиб чиқишларини кутаётган эдилар. Аммо, минг афсуски, ҳаётнинг ўз қонунқоидалари бор. Бу дунёда ҳеч бир нарса абадий бўлмагани каби, жаҳон чемпиони унвони ҳам абадий эмас. Бу унвон кучлиларники, эпчил ва забардастларникидир. Ҳаётнинг шу қонунига биноан дунёга янги жаҳон чемпиони кириб келди. Бу — Муҳаммад Али эди.


Нега энди Кассиус Клей эмас, Муҳаммад Али бўлар экан? — деган табиий савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, бу ном 1964 йилнинг 26 февралда Кассиус Клей Майами-Бичда жаҳон чемпиони унвонини олган кунининг эртасигаёқ дунёга тарқалди. Бунинг сабаби шундаки, унинг яқин ҳомийси ва менежерларидан бири Герберт Муҳаммад мусулмон киши эди. Ана шу устозининг ўғит ва даъватлари натижасида Муҳаммад Али мусулмон бўлади ва «қора мусулмонлар» гуруҳига аъзоликка киради.

Бизга маълумки, Муҳаммад Али Ислом таълимоти ва мусулмончилик йўлида катта ишларни амалга оширган, Америкада мусулмонлар учун бир қанча масжидлар, кироятхоналар курдирган. Ер юзиде тинчлик бўлиши учун курашган. Ҳар қандай ирқий камситиш, инсонпарварликнинг топталишига қарши бош кўтарди. Муҳаммад Али 1978 йилда собиқ Совет Иттифоқига ташриф буюрган. Москва сафаридан сўнг Тошкент, Самарқанд шаҳарларини зиёрат қилади. Пойтахтимиздаги масжидлардан бирида тошкентликлар билан бир сафда номоз ўқиган. Ўзбекистонлик машҳур боксчи Руфат Рисқиев билан ҳам учрашган. Боксдаги 22 йиллик даврда Муҳаммад Али жами бўлиб 300 мингга яқин зарба «еган». Шундан 3 мингтаси унинг миясига урилган, Муҳаммад Али бокс бўйича мутлақ жаҳон чемпионлиги унвонини уч марта олишга эришган. Ҳозирда у Американинг шовқинсиз шаҳарларидан бирида сокин турмуш кечирмоқда.

Нодир АЛИМОВ

«Тонг юлдузи» учун махсус тайёрлади.

## КАССИУС КЛЕЙ — МУҲАММАД АЛИ



жанг ўтказди. Шундан бор-йўғи саккизтасигина унинг мағлубияти билан тугади. Олти марта ҳаваскорлар орасида АҚШ биринчилигининг голиби ҳамда олти марта «олтин қўлқоп» совринининг соҳиби бўлган. Бу кўрсаткичлари билан у боксда ҳам ҳеч ким эришолмаган натижага эришиб, Кўшма Штатларнинг Олимпия командасига ўтиб олди.

1960 йилнинг август ойида жонажон шаҳри уни қаҳрамонлардек рингга кузатиб қолди. Унинг нафақат ўзи учун балки Штатлар учун ҳам туриб бера олишига ҳамма ишонарди. Дарҳақиқат, 5 август кун унга Олимпия ўйинларининг ярим оғир вазнидаги чемпиони унвони берилди. Бу қувончли кунни ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Чунки у бўйнидаги олтин медаль билан тунги Рим кўчаларини эринмасдан эрталабгача айланиб чиққан, учраган ҳар бир кишига ўз медалини кўрсатиб қувонган эди.

Муҳаммад Алининг бокс оламидаги ўзига хослиги шундаки, у рингда қоплондек тез ва кучли

Орадан ун беш кунлар чамаси вақт утгач, қизлар спорт мураббийсига учрашди. Ва, Гулзора ҳам клуб аъзолигига қабул қилинди.

«Лочин» спорт клуби Юнусобод туманидаги спорт шайдолари булган болаларнинг энг сеvimли маскани. Айниқса, клубнинг таэквондо секциясига аъзо бўлишни истовчилар талайгина. Унга тажрибали мураббий, «қора белбоғ» соҳиби Дмитрий Шермет раҳбарлик қилади. Унинг умидли шогирдларидан бири, «яшил белбоғ» соҳиби, 273-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Азиз Акбаровдир. Азизжон бир ярим йилдан буён машқларда иштирок этиб келяпти, «Сариқ белбоғ» эгаси, 97-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Алишер Сойилов, 247-мактабнинг 7-синф ўқувчиси, «яшил белбоғ» соҳибаси Ҳилола Ермухамедова, 83-мактабнинг 8-синф ўқувчиси «яшил белбоғ» соҳибаси Алена Ли ва бошқалардан устознинг умиди катта.

«Лочин» клубининг таэквондочи болалари қишқи таътил даврида ҳам жуда кўп мусобақаларда иштирок этишди. Яқинда Юнусобод туманидаги мактаблар уртасида бўлиб утган ана шундай беллашувда ҳам «Лочин»чилар фаол иштирок этишди.

Суратларда: «Лочин» клуби раҳбари, «қора белбоғ» эгаси Дмитрий Шермет спортчиларга турли кўрсатмалар бермоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

## БЕЛБОҒЛИ БЎЛИШ ОСОНМАС

Таэквондо бўйича «яшил белбоғ» соҳиби, Тошкентдаги 247-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Станиславнинг ёнига мактабдоши Ҳилола ҳовлиқиб келди:

— Бир маслаҳат бер, дустим, дугонам Гулзора ҳам клубимизга аъзо бўлмоқчи экан, қабул қилишармикан?

Станислав Гулзорога синчковлик билан тикилди. Қизча паст бўйли бўлса-да, анчагина чайир, абжир куринарди.

— Ташқи кўриниши маъқул, бироқ, устозга учрашшдан аввал бир-икки ҳафта бирга машқ қилингллар, биласанку, уларнинг талабчанлигини, озгина маъқул келмаса шартта қайтариб юборадилар.



Кўрқувданми, даҳшатданми, нима деб тагсўз ёзишни билмай қолдик...



## СЎТАҚЎЗИ БИЛАН ТАННОЗХОН ЎКИ СИЗ УЛАРНИ ТАНИЙСИЗ

### АВТОБУСДА ТАРҚАЛГАН МИШ-МИШ

«Эмишқи, аёлча кийиниб, Таннозхон булиб чиқадиган артистни бир тўда балиқчилик йигитлар роса дуплослашибди». «Ўзим кийиб, румол ураган, йигитлик шаънига доғ туширганларнинг жазоси шу, сен аёлча кийиниб, балиқчиликларни ерга уряпсан», дейишганмиш. Ҳозир касалхонада экан. Миш-мишлар айниқса, Андижон томонларда авж олган эди.

— Бу гап қулоғимга етиб келганда «Урмонбек» қишлоғидаги касалхонада даволанишим охираб қолган эди, — деди Таннозхон — Сирожиддин Маннонов. — Аввалига бу ёлгон қаердан пайдо бўлганини билолмай, роса хафа бўлдим. Кейин маълум бўлишча, ҳаммаси автобусдаги ҳазилдан бошланган экан. Бир ой касалхонада бўлганим учун уйга таклиф билан келишганлар қуруқ қайтишверган. Шунда автобусда бир-иккита шўх йигитлар: «Сутақузи билан Таннозхонни «Чинобод»даги травматология шифохонасидан ахтаринлар, афт-бапшарасини танирмикансизлар?» дея ҳазил қилишган. Шу заҳоти бу гап қанот чиқариб учиб кетган.

### «ЗУЛФИҚОР»ЛИК РАИСНИНГ ЎҒЛИ

Мактаб саҳнасида спектакль қўйиш учун тайергарлик кетарди. Қизлар, болалар уз ролларини муҳокама қилиш билан банд. Шу пайт енма-ён утирган икки қизнинг бири урнидан турдию сочлари дугонасининг соғига боғлаб қўйилгани сабабли «вой» деб утириб қолди.

Роса кулги бўлди. «Сирож, ҳозир еч, бу сенинг ишинг», жаҳдан қип-қизариб кетган иккинчи қиз зарда билан гапирди.

— Булди, булди, хафа булаверманлар, синфдошларини тинчланттирган булди угил болалардан бири. — Ахир Сирож синфимиз фахри, у булмаса мушоирада, рақс тушишда, интермедиялар саҳналаштиришда биринчиликни ололмасдик...

Мактабни битириш арафасида «Пахтакор» жамоа хужалиги раисининг ўғли Сирожиддиннинг аълочилиқ, шоирлик, санъаткорлик фазилятлари устига яна биттаси — чеварлик ҳам қўшилган эди.

### «СЎТАҚЎЗИ» ГУРУҲИ

— Куйлагингиз жуда чиройли чиқибди, чевари ким?

— Узимизнинг Сирожиддин.

Урта мактабни, Комсомолободдаги 24-сонли хунар техника билим юртини имтиёзли диплом билан тугатиб чеварлик қилаётган Сирожиддиннинг довруғи аста-секин ёйила борди. У ҳамон байрамларда, туйларда қўшиқчилик қилишни, рақсни, ер-ер айтиб, барчанинг юрагини сел қилиб юборишни қанда қилмасди.

1987 йилда уни туман маданият саройига ишга таклиф қилишди.

Уша вақтда туман ҳокими Бегижон ака Раҳмонов эди. У киши ниҳоятда ҳазил шинавандаси бўлиб, узи ҳам кулгили сузлар топиб ёш санъат-



корларга курсатмалар, маслаҳатлар бериб турарди. Орадан ҳеч қанча ўтмай Сирожиддин «Балли йигитлар» беллашувида голиб топилиб, ҳамма ёққа овоза бўлди.

Ниҳоят 1989 йилда Бегижон ака ташаббуси билан 10 нафар йигитдан иборат «Сутақузи» кулгу гуруҳи тузилди. Бу орада санъаткоримиз уйланди. Турмуш уртоғи Хувайдо опа билан тўрт фарзанд тарбиялашмоқда. Катта угиллари Зийнатбек 9-синфда, Элёрбек 7-синфда, қизлари Дилшоода 4-синфда ўқишади. Кенжатоғи Хушнудбек эса 5-синфда.

Сутақузи — Алишер Ҳаққулов. Асли касби ҳайдовчилик бўлган Алишер ака Чинобод пахта тозалаш заводида ишлайди. Аели Одинахон опа билан уч фарзандни тарбиялашмоқда.

Кейинги вақтларда, айниқса «Сутақузи» гуруҳи халқ театри унвонини олгач, талабгорлар анча кўпайди. Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон ва бошқа шаҳарлардан таклиф қилиб келишди.

Бир куни қизик бўлди. Қўқонда концерт берилаётган эди. Сирожиддин Маннонов она, Алишер Ҳаққулов угли ролида. Она углига уйлан, деб елборарди, угил кунмайди, она ялинади, йиғлайди, «Менга келин, ёрдамчи керак, қартайиб қолдим», дея зорланади, угил яна унамайди. Шунда томошабин чоллардан уч-тўрттаси бир бўлиб саҳнага отилишди, «қулоқ»сиз угилни тепкилай бошлашди. Угил булса тепки зарбидан «вой-вой»лаб икки-уч маротаба уйланишга розиман, деб юборарди.

Ана шунақа воқеалар. Чинакам санъат болаларни ҳам кексаларни ҳам бирдек сеҳрлаб, узига ром қилиб олар экан. Биз «Сутақузи» халқ театри гуруҳини саҳналарда, телеэкранларда тез-тез пайдо бўлиб туришини истаб, уларни доимо халқ билан бўлишини истаб қоламиз.

НИЛУФАР ДАВИДОВА

### • Ибратли ҳикоят

## НАВОИИ БИЛАН ЧЎПОН

Навоийнинг ёшлигида отаси улиб кетган экан. Отаси улгандан сунг уз шаҳрида туролмай, Навоий Самарқандга бориб, мадрасада ўқибди.

Кўп қийинчиликлар билан ўқишни тамомлаб, яна уз шаҳрига қайтибди. От-уловсиз пиеда юриб, бир неча кун деганда, бир тоққа келибди. Бу жойда бир мўсафид чўпон билан учрашибди.

Навоий чўпонни дарров танибди. Чўпон узини кутариб катта қилган, отасининг қўйбоқари экан. Чол ҳам Навоийни таниб: «Тупимми, унгимми» деб куришибди. Дарров белбоғидан иккита нон чиқариб, Навоийни сўт билан меҳмон қилибди.

Навоий чўпондан:

— Бу қўйлар кимники, — деб сўрабди.

ганларида, Навоий: Мен қўйимни насияга сотаман. Шу шарт биланки, пулини подшо улган куни берасизлар. Шу шартимга кунган киши биттадан етаклаб олиб кетаверсин! — дебди.

Бозордаги одамлар дарров таллашиб, қўйларни биттадан етаклаб олиб кетибдилар. Шу куни амалдорлар подшога бу хабарни етказибдилар.

Эй, подшоҳи олам, нима дейсиз, бутун бозорга бир қаландарсифат йиғит келиб, беш юз қўйни халққа насияга тарқатиб юборди. Пулини подшо улган куни берасизлар, деб сизга улим тилади, — дебдилар. Шунда подшо газабланиб:

— Боринглар, уша қаландарни хузурига олиб келинглар, — деб буюрибди. Амалдорлар дарров бозорга бориб, Навоийнинг



— Болам, бу қўйларнинг ҳаммаси сизники, сиз у ёқдалигингизда отангиздан қолган моллар ҳар кимнинг қулида қолиб эди. Отангиз ҳаёт вақтида 200 қўйни атаб менга топширган эди. Бу қўйлар болааб, ҳозир 700 дан ошди. Отангизнинг васиятини уз урнига қўйганим учун хурсандман, бу қўйларни энди сизга топшираман, — дебди.

Навоий бир кеча чўпоннинг уйида меҳмон бўлибди. Эртаси қўйлардан икки юзини ажратиб чолга берибди: — Ота, сиз ҳам бола чақалик одамсиз, мана бу қўйларни хизмат ҳақингиз учун олинг.

Чўпон Навоийдан жуда хурсанд бўлибди. Шундан сунг, Навоий қолган беш юз қўйни ҳайдаб бозорга олиб кетибди. Бу қўйлар жуда семиз бўлгани учун атрофини харидорлар ураб олибдилар.

Одамлар Навоийдан: — Қўйингиз неча пул? — деб сўра-

қулини орқасига боғлаб, подшо қошига келибдилар, подшо қараса, ёшлигида бирга ўқиган дустри Навоий экан. Подшо Навоийга:

— Нима учун шунча қўйни халққа бериб юбордингиз, менинг улимимга шунақа розимисиз? — дебди. Шунда Навоий: «Эй подшоҳим, мен чакки иш қилганим йўқ. Сизнинг подшо бўлганингизни эшитиб, қўйларни талатиб юбордим. Шундай ҳам бериб юборишим мумкин эди. Бироқ баъзи бир одамлар текин молдан ҳазар қилишди. Шунинг учун қўйининг пулини подшо улган куни берасизлар деб айтдим. Энди қўйларни олиб кетган одамлар: «Ишқилиб подшоҳимиз улмасин. Подшо улса Навоий пулини қистайди», деб сизни дуо қилиб юришади», дебди.

Навоийнинг бу донолигига подшонинг завқи келиб, уни узига вазир этиб тайинлабди.

## СЕНИ МАНА БУНДАЙ ОВУТАМИЗ, БОЛАЖОН!

Ирода мактабдан қайтарди. Қулида эса папкаси йўқ. Бу ҳолни куриб онаси ажабланди:

— Ие, Ирода қизим, папканг қани?

— Эртагаям кутариб юрмай деб, мактабга ташлаб келдим...

\*\*\*

Ҳайвонот боғида сайр қилиб қайтишадиганда ота жажжи угилчасидан сўради:

— Муроджон, ҳайвонлар сенга ёқдимми?

— Ҳаммаси яхши-ю, фақат фил билан кенгуру думларини алмашишса буларкан-да, — жавоб берди Муроджон катталардек жиддий оҳангда.



Масалани ечолмай пешонаси тиришадиган Азизжонга онаси ёрдамга келди:

— Айтайлик сенда иккита олма бор. Унинг биттасини укангга бердинг. Сенда нечта олма қолди?

— Иккита.

— Қандай қилиб? Ахир сен биттасини укангга бердинг-ку!

— Ҳечам бермайман-да!

— Хўп яхши. Ундай булса укангга иккита олма бор эди. Биттасини сенга берса, узидан нечта олма қолади?

— Қолмайди. Мен иккаласини ҳам олиб қўяман. У мендек булгунча ҳали куп олма ейди.

Д. ТОЖИБОЕВА,  
Сурхондарё вилояти,  
Шўрчи тумани.

ТОНГ ЮЛДУЗИ  
Ўзбекистон болалари ва  
ўсмирларининг газетаси

Бош  
муҳаррир  
Умида  
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА,  
Раҳима ШОМАНСУРОВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Сайриддин ХОЛОВ  
(масъул котиб)

ИВМ компьютерида терилди ва  
саҳифаланди. Офсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г 018.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишга тошириш вақти 19.00  
Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби  
№ 000137  
• Манзилимиз: 700083,  
Ташкент шаҳри,  
• Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй.  
• Телефон:  
• 33-44-25